O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 31 октябрь, № 212 (4111) Сешанба



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида «Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси қизғин давом этмоқда. Бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ҳар куни юзлаб деҳқон ва фермерлар ташриф буюриб, таклиф этилаётган замонавий технологиялар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишмоқда.

КЎРГАЗМА — ДУНЁ БИЛАН ТАНИШИШ ДЕМАК

Кўргазма-савдони кузата туриб, эътиборимизни тортган нарса шу бўлдики, хорижий компаниялар вакиллари харидорлар ҳукмига ҳавола этилаётган ускуналарнинг афзалликлари, улардан қандай фойдаланиш лозимлиги ҳақида батафсил маълумот бермоқдалар. Фермерлар намойишга қўйилган ҳар бир технологияни пухта ўрганишмоқда, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилмоқдалар. Чунки келгусида далаларда етиштирилаётган ҳосилни қайта ишлаш, ундан бугунги харидор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш бевосита ана шу технологиялар имкониятига боғлиқ. Шундай бўлгандан кейин етти ўлчаб бир кесишга тўғри келади, албатта.

Кўргазманинг эътиборли томони шундаки, зарур технологияни сотиб олиш учун ишлаб чиқарувчи билан харидор шу ернинг ўзида шартнома тузишмоқда. Республикамизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Пахта-банк", "Микрокредитбанк", "Асака" банк каби молия муассасалари эса ҳар икки томон келишувидан сўнг белгиланган суммани дарҳол ишлаб чиқарувчининг ҳисоб рақамига ўтказишда ўз хизматлари билан кўмак беришаяпти. Бундан харидор ҳам, сотувчи ҳам мамнун.

— Бу тадбир биз — фермерларга жуда катта қулайлик яратиб берди, — дейди Бахмал туманидаги "Турон-ахм" фермер хўжалиги раҳбари Мурод Қурбонов. — Кўпдан бери қайта ишлаш технологиясини қаердан сотиб олиш ҳақида бош қотирардик. Мана энди ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари келиб уларни таклиф қилишмоқда. Бизга бундай шароит яратиб берилганидан ниҳоятда хурсандмиз.

Кўргазма-савдода Россиянинг "ДТ-75" русумли трактори, Исроилнинг сутни қайта ишлаш технологиясини қаердан сотиб олиш ҳақида бош қотирардик. Мана энди ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари келиб уларни таклиф қилишмоқда. Бизга бундай шароит яратиб берилганидан ниҳоятда хурсандмиз.

Кўргазма-савдода Россиянинг "ДТ-75" русумли трактори, Исроилнинг сутни қайта ишлаш технологиясини сотиб олдик. Бу ускуналар меҳнатимизни енгиллаштириш билан бирга, қишлоқ ёшларини иш ўринлари билан таъминлаш имконини ҳам беради.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўргазма-савдодан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ҚЎМИТА ВА ФРАКЦИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

Кеча қуйи палата Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишда иштирок этган депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, энергетика соҳаси бўйича олим ва мутахассислар, «Ўзбекэнерго» ДАК раҳбарлари ва мутахассислари юртимизда иқтисодий ислоҳотлар даврида ёқилғи энергетика мажмуини ривожлантириш борасида йирик тадбирлар амалга оширилганлиги, халқ хўжалиги ва аҳолини ёқилғи ҳамда энергия билан узлуксиз таъминлаш устувор вазифалардан ҳисобланишини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида энергияни тежаб-тергаб сарфлашнинг аҳамияти катта эканлиги айтиб ўтилди.

Энергиядан оқилона фойдаланиш масаласининг қўмита йиғилишига олиб чиқилишининг икки муҳим жиҳати мавжуд. Биринчидан, табиий ва хомашё ресурсларини тежаб ишлатишнинг аҳамияти тобора ортиб бораётир. Иккинчидан, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига тобора интеграциялашуви маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий воситалардан бири бўлган энергетика самарадорлигини оширишни талаб этмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиш ва ишлатишда йўқотишларни қисқартириш дастури»ни бажариш борасида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида 95,3 млн.квтс электр энергиясини иқтисод қилишга эришилганлигини таъкидладилар. Айни чоғда, электр станцияларида ўрнатилган қувватдан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти пастлигича қолаётир. Корхоналарда эскирган технологик ускуналар ўрнатилгани боис ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи ошиб кетмоқда. Шунингдек, энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича тармоқ дастурларини молиялаштириш ишлари суст олиб борилаётир.

Қўмита аъзолари кўрилган масала юзасидан «Ўзбекэнерго» ДАКда «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси кўнгилдагидек эмаслигини қайд этдилар. Бу борада тегишли тадбирлар ўтказиш, «Энергетика тексшируви — энергоаудит тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш бўйича зарур чоралар кўриш тавсия этилди.

* * *

Шу куни Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП, Фидокорлар миллий демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилишларда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилди.

Мазкур лойиҳада бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини қўллаб-қувватлаш, маҳсулот экспортини рағбатлантириш, инвестиция ва хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарасини кучайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва моддий фаровонлигини юксалтириш, таълим сифатини яхшилаш ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган ислоҳотларни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга, лойиҳада юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкаси (12 фоиздан 10 фоизгача), кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови (13 фоиздан 10 фоизгача), ягона ижтимоий тўлов ставкасини (25 фоиздан 24 фоизгача) пасайтириш ва бошқа солиқлар юкини камайтириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, ХДП фракциясида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракциясида «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишларда депутатлар кўрилган масалалар юзасидан ўз фикрлари ва таклиф-мулоҳазаларини билдириб, фракциялар нуқтаи назари белгиланди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ таълими вазирлигига қарашли Ўқувчилар саройида 2007-2008 ўқув йили учун нашр этилиши режалаштирилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг кўргазма-ярмаркаси очилди.

Дарсликлар ярмаркаси

Мазкур кўргазма Президентимизнинг "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги ва "Ўзкитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу кўргазмада республикамиздаги барча нашриётлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Шунингдек, кўргазмадан ўрин олган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, келаси ўқув йили учун мўлжалланган дарсликларнинг макетлари, болалар адабиётлари ҳамда луғат ва энциклопедиялар эътиборга сазовор.

Туркман, қозоқ, қирғиз, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилган 300 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар ярмаркага ташриф буюрган ота-оналар, ўқув муассасалари раҳбарлари, ўқитувчи ва кутубхоначилар эътирофи ва баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Улар кўргазма жараёнида дарсликларнинг матбаа сифати, дизайни ҳамда мазмунига доир фикр-мулоҳазалар, таклифларини билдирдилар.

— Кўргазма-ярмаркаси жараёнида дарсликларнинг сифатини аниқлаш билан бирга, шу ернинг ўзида очиқ савдо ҳам ўтказилади, — дейди "Ўзкитобсавдо" ДАК етакчи мутахассиси Насиба Ниёзметова. — Бу ерга ташриф буюрганлар учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини қўздан кечириб, маъқул бўлганларига шу ернинг ўзида буюртма бериш ва нашриётлар билан шартнома тузиш имконияти мавжуд.

Кўргазма ҳафта давомида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам намойиш этилади.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Барқарор иқтисодий ўсиш йўлидан

Якун сабоқлари

Бизни қувонтиради

Ўтган даврда:

— Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари 7,3 фоизни ташкил этди;

— саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари — 10,2 фоизга;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 7,1;

— қурилиш — 10,7;

— чакана товар айланмаси — 12,2;

— пуллик хизматлар эса 16,4 фоизга ўсди;

— экспорт кўрсаткичлари 12 фоизга кўпайиб, ташқи савдо ижобий сальдоси 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди;

— инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади;

— иқтисодиётни модернизациялаш мақсадида ишлаб чиқариш соҳасига жами капитал қўйилмалар ҳажмининг 64,1 фоизи йўналтирилди;

— фойда солиғи ставкаларининг пасайтирилиши оқибатида корхоналар ихтиёрида 36,9 миллиард сўм қолдирилди, бу маблағ эса устувор вазифаларни ҳал этишга сарфланди;

— бир қатор тўқимачилик корхоналари ишга туширилди, шунингдек, «Арис-Ўзбекистон» темир йўл участкаси, 656,2 километрлик автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди;

— 545,9 миллион доллар миқдорида хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилиб, шунинг ҳисобига кўплаб йирик қўшма корхоналар лойиҳалари белгиланган муддатда ниҳоясига етказилди;

— Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, бу режалаштирилганидан 11,3 фоиз зиёддир;

— Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури бўйича 281 та объект хусусий мулк сифатида сотилди;

— ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 34,3 фоиз ўрнига 39 фоизгача кўпайтирилди;

— кам таъминланган оилаларга қорамол харид қилиш учун 27,6 миллиард сўм ажратилди, ҳомийлар маблағлари ҳисобига эса салкам 28 минг кўп болали оилага бепул қорамол берилди;

— аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 20,1 фоизга, ўртача номинал иш ҳақи 33,8 фоизга ўсди;

— республикамиз бўйича 438 мингта янги иш ўрни яратилди.

Қуйидаги камчиликлар бартараф этилиши керак

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидландики:

— Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғи, электротехника, тўқимачилик, ипакчилик саноатининг айрим корхоналарида мавжуд қувватларнинг захираларидан фойдаланилмаяпти;

— қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг етарлича ўсмаётганлиги иқтисодиётнинг инвестиция эҳтиёжларини тўла таъминламаяпти;

— бир қатор тармоқларда хорижий инвестицияларни жалб этиш суст бормоқда;

— жойларда йирик корхоналар билан касаначилик ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш ишлари талаб даражасида эмас;

— мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни кенгайтиришга ҳамма жойда ҳам жиддий эътибор берилмаётир;

— ҳалқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган бир неча автомобиль йўлларини қуриш ишларини бажаришда қолоқлик ҳукм сурмоқда (Шу муносабат билан «Ўзэлтехсаноат», Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг», «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниялари жамияти кескин танқид қилинди);

— вилоятлар ва туманларнинг ҳокимлари, пахта тозалаш, ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талабларини сўзсиз бажариш бўйича қатъий ва амалий чора-тадбирлар комплекси кўрилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишлари зарур;

— Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида 2007 йил ҳосили учун кузги агротехника тадбирларини бажаришда унинг талабларига тўлиқ ҳажмда риоя қилинмаяпти;

— келгуси йил ҳосили учун шудгорлаш, шу жумладан, ҳайдов тракторлари, плуглар, кузги-қишки агротехника тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа техника воситаларини тайёрлаш, шунингдек, ишларнинг ўз вақтида молиялаштирилишига эришиш учун барча чора-тадбирларни кўриш лозим;

— тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш учун шу йил ноябрь ойи бошигача ушбу соҳадаги барча ишларни туғаллашлари ва мавжуд камчиликларни бартараф этишлари керак.

Вазифа: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан олдинга қўйилган 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини сўзсиз бажариш ва 2007 йилда ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича энг муҳим дастурларни шакллантириш юзасидан белгиланган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.*

Дунё нигоҳи

Юичи КУСУМОТО,
Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Мен Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейида иштирок этиб, ниҳоятда таъсирландим. Байрам концерти фақат яхши ташкил этилганлиги учунгина эмас, балки унда бевосита томошабинлар ҳам қатнашганлиги туфайли менга жуда маъқул бўлди. Одамлар санъаткорларга қўшилиб қўшиқ айтишди, рақсга тушишди. Бундай ҳолат фақат юрак-юракдан қувонганда намоён бўлади. Бу манзаралар ёдимда муҳрланиб қолди. Ўзбекистон халқига янада катта муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман.

Навбатдаги сонларда

Зиёли минбари

МИЛЛИЙ ҒОЯ — БИЗНИНГ ҒОЯ

ОЛИС ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ

Ажаб ҳангомалар

ДИВАН ОСТИДАГИ ЕРТЎЛА СИРИ

Ўтган ҳафтага назар

Октябрнинг якунловчи ҳафтаси воқеаларга бой бўлди. Агар душанба муборак Рамазон ҳайитининг биринчи кунига тўғри келган бўлса, 25 октябрда давлатимиз раҳбари «Ўзэкспомарказ» павильонларида минитехнологиялар кўргазмасига ташриф буюрди. Ер юзининг 24 давлатидан келган 200 га яқин компания Ўзбекистон тадбиркорларига бир-биридан мукаммал, самарадор технологияларни тақдим этди. Ғалла ва пахтадан баракали хирмон тўплаб, ҳисоб рақамини баракали даромадга тўлдирган фермерлар бундай қулайлик учун Президентга раҳмат дейишяпти.

ОДДИЙ ОДАМЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Эътиборли томони шундаки, 10 ноябрдан бошлаб ушбу кўргазма фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдо сифатида ўз ишини давом эттиради.

— Бундай кўргазмалар дунё билан, дунёнинг энг илғор технологиялари, замонавий ускуналар билан танишиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир, — деди Президентимиз. — Ушбу минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш билан чекланмай, бундай техника воситаларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришни, уларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйишни ўйлашимиз зарур.

Жума тонгида чарақлаган қуёш гўё Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллиги тантаналарини ёритиб турди. Ушбу тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашиб, мазкур саналар аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Ушбу тўй доирасида Қаршининг бош майдонида «Эл-юрт таянчи» монументининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Одатда, ҳайкаллар машҳур кишилар, улкан кашфиётлар яратган зотлар шаънига яратилади. Лекин бу обидада, Президентимиз ғояси асосида, Қашқадарёнинг оддий меҳнаткаш оиласи акс эттирилган. Ахир Қашқадарёнинг бугунги салоҳиятини вужудга келтирган, унинг ерости ва ерусти бойликларини халқ манфаатига, бутун Ўзбекистон манфаатига хизмат қилдирган шу оддий одамлар эмасми? Ҳайкал шохсупаси устида тегирмон тоши турибди. Бу заҳматкаш халқимиз азоб-уқубатли, паст-баланд кечмишни бошидан кечирганига ишора. Айни пайтда тегирмон тоши бамисоли фалак гардишини, қадоқ қўлли инсонлар ҳаётининг мураккаб қисматини ифодалагандай. Ота сиймосида йиллар синовидан тобланиш, шу билан бирга, дориламон кунларга етиб келгандан шукроналик руҳи кўзга яққол ташланиб турибди. Унинг ёнидаги тўнғич фарзанд — азамат йигит қўлига китоб ушлаб узоқ-узоқлардаги уфққа нигоҳини қаратган. Қизалоғини бағрига босган онахон эса тинч ва осойишта ҳаёт кечираётганларидан мамнун. Қўлига сув, яъни обиҳаёт идишини тутган қиз бамисоли ажойиб анъаналар таркиб топган оиланинг кенжа аъзоси сифатида ёруғ орзуларга берилган.

Бу ҳайкални синчиклаб кузатсангиз, кўз олдингизда оддий ўзбек хонадонининг ёрқин тақдири намоён бўлади. Бутун онгли ҳаётини, балки вужудини эл-юртга қайишиб яшаш учун бағишлаган фидойи кишиларнинг кундалик оддий жасорати шу ёдгорликда мужассам. Шундайлар борлиги учун Ватанимиз боғлари гулларга бурканяпти, шундай замондошларимиз туфайли олам мунаввар. Бутун мамлакат, жами эл-юрт шундай меҳнаткаш кишиларга таянади. Чиндан ҳам, бу оила эл-юрт таянчи.

— Қарши шаҳрининг байрами арафасида бир ёдгорлик яратилаётгани ҳақида эшитгандим, — дейди Касби туманидаги Алишер Навоий номли тажриба хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Зикриё Асроров. — Ҳар қанча ўйлаб аниқ фикрга келолмадик. Бу ҳайкал қанақа бўларкан деб. Мана, ниҳоят ўша монумент кўз олдимизда намоён бўлди. Қойил! Кўнгилларни кўтарувчи, инсонга кучқудрат ато этувчи бундай ҳайкал яратиш ғояси фақат шу заминни юрак-юракдан севадиган инсон кўнглида туғилиши мумкин. Шундай тарихий обида учун Президентимизга минг раҳмат! Туманимизга келганимда одамлар. «Вилоят марказида қандай ҳайкал очилибди?» деб мендан сўрашди. Мен комил ишонч билан «Сизларга ҳайкал ўрнатилибди» деб айтдим. Аввалига гапимни тушунишмади. Шарҳлаб берганимдан сўнг ёшу қари барча чексиз хурсанд бўлди, шундай тинч-осойишта ҳаёт учун, меҳнаткаш халққа эҳтиром учун Юртбоши шаънига дуо қилишди.

Шаҳар тантанасида жуда кўплаб хорижий меҳмонлар иштирок этишди. Улар бу қадимий шаҳарнинг ўтмиши нақадар буюк бўлганлигига, мустақиллик туфайли янада чирой очганлигига ўзлари ишонч ҳосил қилишди. Мана, Франциядаги Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори Байрам Балчининг фикрлари:

— Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун қитъада етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Франция ўзбек халқининг кўп асрлик маданий-тарихий қадриятларига, хусусан, Амир Темур, Ибн Сино ва бошқа буюк тарихий шахсларга қизиқиш ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ушбу мавзуда жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилган, бу ишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда, негаки Ўзбекистон ўзининг тарихий шаҳарлари, меъморий мажмуалари билан бойдир. Қарши ҳам дунё тамаддуни хазинасига муносиб ҳисса қўшган қадимий шаҳарлардан биридир. Мен бу шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашганлигимдан бениҳоя хурсандман. Биз Қаршининг бой тарихини яхши биламиз ва ўз таассуротларимизни Франциянинг кенг жамоатчилигига етказиш ниятидамиз.

Муҳаммадали САИДОВ,
Шоҳруҳ ЖАЪФАРОВ.

Фермер ва банк:

Ҳамкорлик истиқболга етаклайди

Фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланишида тижорат банкларининг ўрни тобора яққолроқ сезилмоқда. Буни биргина республика «Пахтабанк»ининг Гурлан тумани бўлими иш фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу жамоа туманда қишлоқ хўжалик соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш учун қулай молиявий шарт-шароитлар яратиб бериш, фермерларни қўллаб-қувватлаш ишига катта ҳисса қўшаётир.

Хусусан, банк бўлими ва унинг жойлардаги 6 та мини банки 1395 та мижозга, шу жумладан, 1042 та фермер хўжалигига замонавий банк хизматлари кўрсатмоқда. Жорий йилда пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига барча харажатларни молиялаштириш учун 2261,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган эди. Бугунги кунга келиб, уларнинг ҳаммаси шартнома режаларини ошириб бажардилар.

Бундан ташқари, фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 74,5 миллион сўм, уларга хизмат кўрсатувчи «Агромашсервис»га қарашли муқобил машина-трактор парклари ва ташкилотларга 306 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди. Шу кредитлар ҳисобига битта фермер хўжалиги «Клаас» русумли дон янчиш комбайнига, 6 та фермер хўжалигининг ҳар бири «ДТ-4» русумли ҳайдов тракторига эга бўлди. Банк томонидан туман ўсимликларни ҳимоя қилиш корхонасига 68 млн. 500 минг сўмлик кредит ажратилгани, 7 млн. 200 минг сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилгани ҳам фермерларнинг мушкулини осон қилди.

— Бу банк эшиги биз, фермерлар ва тадбиркорлар учун доимо очиқ, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Ҳайтиммат ота» фермер хўжалиги раҳбари Гулиммат Ҳайтимматов. — Бу йил хўжалигимиз пахта ҳосили етиштириш учун ундан 18,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олганди. Натижада 55 гектар майдонда ғўза парваришлаб, қабул пунктларига 165 тонна юқори сифатли хомашё етказиб бердик. Ҳосилдорлик гектарига 45 центнерга етди. Унинг 60 тоннаси уруғлик пахтадир. Насиб этса, йилни 50 миллион сўм соф фойда билан якунлаймиз.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, хўжалигимиз фойдаси ҳисобидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да вилоят болалар шифохонасига 500 минг сўм, туман марказий туғруқхонасига 700 минг сўм, қишлоқдаги 2 та ўрта мактабни таъмирлашга 500 минг сўм молиявий ёрдам кўрсатилди. Айни кунларда эса қишлоғимиз гузарини барпо этаяпмиз.

Айтгандай, «Олтой» ва «МТЗ-80» русумли тракторларни ҳам «Пахтабанк» Гурлан тумани бўлимининг узоқ муддатли кредитига сотиб олганмиз. Демоқчиманки, банк билан ҳамкорлигимиз бизга фақат манфаат келтираяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк бўлими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам эътиборга лойиқ ишларни бажараяпти. Мисол учун, қишлоқларда арзон гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш мақсадида 93 нафар жисмоний шахсга қорамол харид қилишлари учун 69 миллион 750 минг сўмлик кредитлар накд пулда берилди. Банк томонидан «Намуна» агрофирмасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун ажратилган 7 миллион сўмлик кредит эвазига эса 18 та янги иш ўрни очилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, бўлим аҳли аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини турли омонатларга жалб этиб, ўз ресурсларини кўпайтириб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда мавжуд омонатлардаги маблағ 450 миллион сўмдан ортиб кетди. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан деярли икки ҳисса кўпдир.

Банк жамоаси бундан буён ҳам аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар — ўз мижозларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш ниятида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мақбаранинг иккинчи умри

Сурхон воҳаси азалдан ўзининг бетакрор услубда бунёд этилган тарихий ёдгорликлари, улуғ алломалари ва ноёб осори-атиқалари билан машҳур. Бундаги меросни асраб-авайлаш, уларни бус-бутунлигича келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Айни пайтда Исо ат-Термизий мақбарасида қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Таъмирлаш ишларида юртимизнинг Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларидан келган юзлаб усталар иштирок этмоқда. Ҳомийлар томонидан кейинчалик мақбара ҳовлиси яна 3 метрга кенгайтирилиши, бош дарвоза ва фавворалар комплекси қурилиб, бу ерда ободонлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: Исо ат-Термизий мақбарасида таъмирлаш ишларида қатнашаётган шаҳрисабзлик усталар Шавкат Йўлдошев ва Дилшод Шавқиев; мақбарада қайта таъмирлаш ишлари авжида.

Искандар ХЎЖАЕВ
(ЎзА) олган суратлар.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЮНИСЕФнинг (БМТнинг Болалар жамғармаси) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис раҳбарлигидаги делегация Фарғонада бўлиб, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар ижроси билан танишди.

Қўқон шаҳри, Фарғона ва Данғара туманларида бўлган тиббиёт ходимлари билан учрашувларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган турли лойиҳа ва дастурларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да вилоятдаги қатор шифо масканлари таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш кенг йўлга қўйилган.

Ишни намунали йўлга қўйган бир қанча илғор туғуруқхона ва поликлиникаларга ЮНИСЕФнинг "Болалар ғамхўри" сертификатлари топширилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Паррандачилик

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Қумқўрғондаги «Олтин чигит» қўшма корхонасининг 160 кишилик жамоасини руҳлантириб юборди. Улар ўз эҳтиёжларига яраша парҳез гўшт ва тухум ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида паррандачилик фермасини ташкил этишга аҳд қилишди. Бунинг учун «Термиз паррандачилик фабрикаси» очиқ акциядорлик жамиятидан 200 бош товуқ сотиб олинди.

ЧУМЧУҚДАН ҚЎРҚҚАН ТАРИҚ ЭКМАС

Лекин... парранда дегани кичкина бўлгани билан ташвиши оғирроқ экан. Товуқ тухум бермоғи учун кунига 140-150 грамм тўйинтирилган хўрак, ярим литрга қадар сув талаб этаркан. Озуқада тошнинг синиғи, оҳак, суяк кукуни етишмаса-чи, ёки катаги совибми, ё ҳаддан ташқари исиб кетсами, тухум беришдан тийиларкан.

Бу гапларни эшитган «Олтин чигит»нинг мутахассиси Жовли Шопўлатов яна паррандачилик фабрикасига борди.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, — деди паррандачилик фабрикасининг раиси Холмамат Нормуродов Жовлибойга далда бериб. — Биз, ана, 240 мингта товуқни боқаяпмиз. Уларга кунига 25-28 тонна, яъни 7-8 миллион сўмлик озуқа бераяпмиз. Кепак ё сомон аралашган ем товуқнинг томоғида қолади. Уни сара озуқа билан боқиш учун Тошкентдан йилига яна 8 минг тоннача омухта ем келтирамиз. Шунча ташвиш билан кунига 80-90 минг дона тухум етиштирамиз.

Шундан сўнг Шопўлатов тушундики, бозоргаям тухум осмондан ёғилмайди. Сотиб олганингнинг эмас, ўз пешона теринг билан етиштирганингнинг баракаси бошқачароқ бўлади. Ишлаш керак. Ишлашни билиш керак.

Шу суҳбат баҳона бўлди-ю, мен вилоятда неча бош товуқ боқилаётгани билан қизиқдим. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир воҳанинг қишлоқ хўжалик корхоналарида салкам 270 минг, фермер хўжаликларида 70 минг, хонадонларда 860 минг бош товуқ парваришланаётган экан. Уларни жамласангиз, бир миллион икки юз мингтадан ошади.

— Йирик товуқхоналарни эплаш чиндан ҳам осон иш эмас, — деди пировардида Холмамат Нормуродов. — Бироқ қишлоқларда яшаётган ва 15-20 сотихдан томорқага эга 400 мингтага яқин хонадоннинг ҳар бири ўнтадан товуқ боқса, фақат наф келтиради.

Шундан сўнг Жовли Шопўлатов янаям дадиллашгандай бўлди. «Биз паррандa сонини, албатта, мингтага етказамиз», деди.

Шундай. Ҳар бир катта-кичик ишга ишончу қатъият пойдевор бўлади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ихтиро

Экология асримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, завод, фабрика ҳамда автомобиллардан чиқаётган чиқинди газларнинг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири кишини ташвишга солади. Статистик маълумотларга кўра, шу кунгача 140 миллиард тоннага яқин чиқинди гази ва чанглар атмосферамиз бузилишига сабабчи бўлган. Саноат ва транспорт воситаларидан чиқаётган чиқинди газлар миқдорининг йилига 4 миллиард тоннани ташкил этаётгани эса масаланинг жиддийлигидан дарак беради.

ЭКОФИЛЬТР БОРЛИҚНИ ПОКЛАЙДИ

Мавжуд муаммони ечиш ҳамда атроф-муҳитни асраш устида бугун кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Қувонарлиси, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи бундай газларни бартараф этишнинг бир қатор йўллари топилмоқда.

Ургутлик муҳандис Акмал Қиёмовнинг бу борадаги изланишлари, айниқса, кишини қувонтиради.

— Автомобиллардан чиқаётган чиқинди газларнинг атроф-муҳитга, қолаверса, инсонлар саломатлигига жиддий таъсирини сезиб, тинч ўтиролмадим, — дейди Акмал ака. — Бу борада менга ёшликдан кашфиётга, янгиликлар яратишга интилувчанлигим ёрдам берди, десам адашмайман.

Ҳақиқатан ҳам, Акмал ака яратган «Экофильтр» бугун ургутликлар оғзида дув-дув гап. Эмишки, ортидан қопқора тутун чиқараётган автомашинага Акмал ихтирочининг қурилмаси ўрнатилса, тутундан ва газдан асар ҳам қолмас экан. «Энг қизиғи, ушбу қурилма ўрнатилган автомашинадан чиқаётган газ ҳидини деярли сезмайсиз», дейди унинг қишлоқдошлари. Шунинг учун ҳам ушбу қурилмага қизиқаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

— Уй шароитида синаб кўрилган «Экофильтр» 50 йил илгари ишлаб чиқарилган автомобилларга ўрнатилганда ҳам ўз афзаллигини кўрсатди, — дейди воқеа гувоҳларидан бири.

— Ушбу қурилма бензин, газ ва дизель ёнилғиларининг чала ёниши натижасида чиқаётган заҳарли моддаларни ўзида тутиб қолади, — сўзида давом этади А. Қиёмов. — Двигателдаги ёниш жараёни натижасида чиқаётган иссиқликни совутади. «Евро-4» стандартлари асосида ишлаб чиқарилган автомобилларда ҳам у кам миқдорда ис газини чиқаради.

Ихтирочининг айтишича, «Экофильтр» деб ном олган ушбу қурилма жаҳонда ишлаб чиқарилаётган катализатор ва чангни тутиб қолувчи бошқа фильтрлардан кўра анча арзон. Яъни, 1000 км. масофани босиб ўтишда бор-йўғи 2 доллар сарфлар экан. Бундан ташқари, қурилманинг 1 литр ёнилғидан 48,12 фоиз углерод оксидини ушлаб қолиши ҳам аҳамиятга моликдир. Кўриниб турибдики, ушбу қурилма атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олибгина қолмай, ушлаб қолинган чиқиндидан самарали фойдаланиш имконини ҳам яратади. Шу билан бирга, ҳайдовчиларга махсус фильтрни тез-тез тозалаш ва янги эритмани солиш деярли текинга тушади. Чунки ушбу технология амалиётда қўлланила бошланса, ўз-ўзидан чиқинди газларни қабул қилиш шохобчалари фаолияти ҳам йўлга қўйилади.

Суҳбатдошимиз билан бўлган мулоқот асносида унинг яна бир долзарб мавзу устида бош қотираётганини билиб олдик.

— Режаларим амалга ошса, автомобилларга «Экофильтр» ўрнатувчи корхонадан тушган даромад ҳисобига заҳарли алюминий оксидларини синтез қилиш қурилмасини яратиш ишларини ҳам охирига етказаман, — дейди у. — Айни пайтда амалиётда икки йил синалган аниқ кимёвий формулага ҳам эгаман. Агар менинг ушбу ихтиром саноатда қўлланила бошланса, нафақат атмосфера ҳавоси тоза бўлади, балки газ захираларига бой республикамизда уни экспорт қилиш ҳажми ҳам ортади.

Баҳодир РУСТАМОВ.

Корхона инқироздан чиқди

Иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолган Поп туманидаги «Ўзбекистон ўрамли том ёпиш ашёлари комбинати» ҳиссадорлик жамияти молиявий соғломлаштириш дастурининг ташқи бошқарув тамойили қўлланилгани туфайли қаддини тиклашга киришди. Эндиликда корхонада ишлар анча изга тушиб, ҳатто экспорт амалиётлари ҳам бажарила бошланди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 324 минг АҚШ долларилик маҳсулот Афғонистон, Туркманистон, Қозоғистон Республикаларидаги буюртмачиларга етказиб берилди.

Ортиқча ҳаражатларга чек қўйиш, қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таннархни арзонлаштириш имконини бераётир. Ўз навбатида, ишчи ўринлари ҳам кенгаймоқда. Ҳиссадорлик жамиятида айни пайтда 1733 киши меҳнат қилаяпти.

Бундай ижобий ўзгаришларни вилоятдаги ташқи бошқарув жорий қилинган яна олтита меҳнат жамоасида ҳам кузатиш мумкин.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани ҳудуди, хусусан, унинг эски шаҳар қисми ва атрофидаги маҳаллалар кейинги пайтда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигини ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимизга ташриф буюраётган меҳмонлар яхши билишади. Йирик иншоотлар, боғ-роғлар, сайилгоҳлар, гузарлар, катта-кичик йўллар — буларнинг барчаси ўз-ўзидан барпо этилгани йўқ. Бунда туман ободонлаштириш бўлими жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сабаби, ана шу иншоотларнинг атрофини ободонлаштириш, боғ-гулзорлар яратиб, уни кўз кўрса қувонадиган даражага келтириб қўйиш кўп жиҳатдан мазкур ташкилот зиммасига юклатилган.

ПОЙТАХТНИНГ ФАЙЗЛИ ГЎШАСИ

— Ўтган давр мобайнида жамоамиз томонидан Кичик ҳалқа йўли бўйлари, Беруний шоҳкўчаси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, «Эски жўва» бозори ёнида барпо этилган иншоотлар атрофини кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахтлар ўтқазиш, уларга шакл бериш, ариқ-зовурларни тозалаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди бўлим бошлиғи Рустам Шоджонов. — Айниқса, Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида янги барпо этилган кўприк атрофи, «Сағбон», Қамарнисо, Форобий ҳамда Ғафур Ғулом кўчалари бўйлари янада ободонлаштирилди.

Меҳнат аҳли бу билан чекланиб қолгани йўқ. Айни пайтда туман ҳудудидаги бошқа маҳаллалар гузарлари, кўп қаватли уйлар ҳамда турли ташкилотлар атрофини тўлалигича ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ерга тўкилган барглари йиғиштириб олиш учун тўртта трактор, ўнта тележка, иккита юк машинаси ажратилган. Уларни бир жойга тўплаб, минерал ўғит тайёрлаш мақсадида эса ўндан ортиқ махсус ўралар кавланди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларнинг олд қисмига 380 тадан ортиқ ўриндиқлар ўрнатилди. Йўлакларга салкам 300 тонна асфальт ётқизилди. Яқинда эса туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Бахтиёр Ҳакимовнинг бевосита ташаббуси билан ҳудуднинг ички қисмида жойлашган Аҳмад Яссавий ва «Ёшлик» маҳаллаларидан оқиб ўтадиган «Калҳовуз», «Қичқирик» каналларининг бўйлари, Профессорлар шаҳарчаси атрофидаги чиқиндиларни тозалаш ва ундан ҳоли бўлган майдонларни кўкаламзорлаштиришга киришилди. Бунинг учун ўндан ортиқ техника, юзга яқин ишчи-хизматчилар жалб этилди. Белгиланган юмушларнинг беками-кўст бажарилишига 278-мактаб, 106 ва 102-мактаб-интернатлар, 1, 2-«Мурувват уйлари»нинг ходимлари ва маҳаллалар аҳли ҳам яқиндан ҳисса қўшмоқда. Аслида бу кўп қаватли тураржой аҳолиси, маҳалла фаоллари ўртасида чиқиндиларни дуч келган жойга эмас, балки бунинг учун ажратилган махсус контейнерларга ташлаш лозимлиги, ҳудуднинг саранжом-саришталиги учун ҳар бир киши жавобгар эканлиги тўғрисида олиб борилган тушунтириш ишларининг самарасидир.

Йил якунига қадар қолган маҳалла ва гузарларда ҳам ободонлаштириш ишларини тўлалигича якунига етказиш режалаштирилган. Мақсад битта: у ҳам бўлса, туманни пойтахтдаги энг ибратли ҳудудлардан бирига айлантиришдир.

Усмон УСМОНОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Кўргазма

Россия китоблари — юртимизда

Республика болалар кутубхонасида Россия нашриётларида чоп этилган китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси" ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада Россия нашриётчилари ассоциациясининг 10 дан зиёд нашриётлари иштирок этди.

Кўргазмадан ўрин олган уч юздан ортиқ китоблар турли билим соҳаларига оид бўлиб, уларда меҳмонхона, ресторан, тиббиёт йўналишлари, хусусий дорихона ва клиникалар иқтисодиёти ва бошқаруви, озиқ-овқат, тўқимачилик, автомобиль саноати, банк иши ва бизнес мавзусидаги қимматли маълумотлар мужассам. "Кичик ва хусусий тадбиркорлик", "Туризм иқтисодиёти", "Ўзбекистон узумлари", "Доривор ўсимликларнинг қисқа энциклопедияси" каби китоблар, айниқса, диққатга сазовордир.

— Кутубхонамизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўтган йили ҳам бундай кўргазмалар ўтказилганди, — дейди кутубхона директори Ф.Бухарова. — Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда пойтахт ва вилоятларда 9 та ва Москва шаҳрида бир маротаба кўргазма ташкил этилди. Китобларга оид бу галги намойишнинг ҳам мамлакатимиз маънавий ва маърифий ҳаётида ўзига хос ўрни бор.

М.ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

ВИДЕОКУЗАТУВ МОСЛАМАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2006 йил 25 ноябрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 152-30-36, 136-27-82. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2006 йил 25 ноябрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 152-30-36, 136-27-82. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

«DILETTA-230i» ПЕЧАТЛАШ МАШИНАЛАРИГА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2006 йил 25 ноябрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 152-30-36, 136-27-82. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз — ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Фармация кафедраси:	дори турлари технологияси бўйича доцент, фармакология бўйича доцент.
2. Жисмоний тарбия кафедраси:	кафедра мудири, ўқитувчи.
3. Токсикологик кимё кафедраси:	кафедра мудири, ассистент.
4. Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси:	доцент, катта ўқитувчи.
5. Фармацевтик кимё кафедраси:	ассистент.
6. Тиббий фанлар кафедраси:	доцент.
7. Органик ва биологик кимё кафедраси:	доцент, катта ўқитувчи, ассистент (2).
8. Фармация ишини ташкил қилиш кафедраси:	ассистент, катта ўқитувчи.
9. Фармакогнозия кафедраси:	катта ўқитувчи, ассистент.
10. Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси:	катта ўқитувчи, ўқитувчи (3), доцент (2).
11. Ижтимоий фанлар кафедраси:	катта ўқитувчи.
12. Биотехнология кафедраси:	доцент.
13. Тиллар кафедраси:	ўқитувчи (3).

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.
Манзил: 700015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек к., 45-уй. Тел.: 153-32-46, 153-38-39. Факс: 153-45-04.

"TOG'LAR" MCHJ
БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ
ШАХСИЙ ОМБОРХОНАДАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН
+ Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
+ Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
+ Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)
+ Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (Подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
+ Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
+ Прожекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО и хк.)
+ Ёритиш мосламалари жамламаси
+ Боғхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари
Тел.: (+998 98) 128 5987
(+998 97) 107 2841
(+998 712) 153 0955
Т./Ф.: (+988 71) 152 1629
E-mail: toglar_uz@mail.ru
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ҚУРИЛИШ, КАДАСТР, ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:
- қурилиш учун ўлчаш асбоблари;
- зарар келтирмайдиган назорат ва техник диагностика асбоблари ва жиҳозлари;
- оптик нивелирлар ва теодолитлар, рақамли ва лазерли нивелирлар;
- фибергласс ва металл рулеткалар (3 м., 5 м., 8 м., 20 м., 25 м., 30 м., 50 м., 100 м.), телескопик нивелир рейкалар;
- электрон теодолитлар, узоқликни ўлчаш асбоблари, GPS-приёмниклар, электрон тахеометрлар, GARMIN шахсий автонавигаторлари.
Кредитга бериш имконияти бор.
Навоий кўчаси, 2-а уй. Тел.: 142-46-31. Факс: 134-53-66. Тел.: 316-59-41.
E-mail: geo_inform@yahoo.com
Хизматлар лицензияланган. Trimble расмий шериги Товар сертификатланган.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган
турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.
Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,
замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).
Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Диққат: танлов!!!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон аёлларининг нуфузини ошириш, жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкор журналистлар ўртасида

«Бахтимиз қомуси»

номли хотин-қизлар ҳаёти, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ютуқ ва камчиликлар, эришилаётган муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган Халқаро конвенциялар ижроси тўғрисида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги равнақи йўлида қилинаётган ишлар ҳақида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг сиёсий фаоллиги, орзу-интилишлари, ижодий зафарлари, ҳуқуқий тизимда самарали меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилади.

Кўрик-танлов ғолиблари 2007 йил 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади. Муддати 2007 йил 15 февралга қадар.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй. Тел/факс: (998-71) 139-40-12, 139-40-42, 135-73-89, 135-74-67.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси.

Хотира турнири

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон» футболи газеталари соврини учун ўтказилаётган мини-футбол турнири қизғин паллага кирди.

Тўрт жамоа чорак финалда

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, икки йилдан буён анъанавий тарзда уюштириб келинаётган Хотира турнири журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўзига хос мактаб ролини ўтамокда. Айниқса, устоз журналистлар Сайди Умиров, Ахбор Имомхўжаев, Сафар Остоновларнинг майдонда ёшлар билан тенгматенг ҳаракат қилаётганлиги мусобақанинг қизиқарли ўтишини таъминламокда.

Шанба куни ўтказилган учинчи тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ўзбекистон» нашриёти — ЎзТВ 1:3, «Хонадон»—«Туркистон-Пресс» 11:0, «Садо» FM — «Ватанпарвар» 1:1, «XXI аср» — «Ёш куч» 3:6, «Маърифат» — «Халқ сўзи» 2:2, МТРК — «Янги аср авлоди» 2:2, «Ўзбекистон футболи» — «Шарқ» НМАК 3:0, «Наврўз»FM — «Ишонч» 4:0.

Тўртинчи тур учрашувлари ҳам муросасиз курашларга бой бўлди: «Маърифат»— ЎзДЖТУ 6:1, МТРК— «Туркистон» 6:0, «Ўзбекистон футболи» — «Ўзбекистон овози» 1:1, «Наврўз» FM — «Тошкент хақиқати» 3:0, «Халқ сўзи» — ЎзТВ 0:4, «Янги аср авлоди» — «Туркистон-Пресс» 4:0, «Шарқ» НМАК — «Ватанпарвар» 4:6, «Ишонч» — «Ёш куч» 2:8.

Тўртинчи тур учрашувларидан сўнг «Маърифат», МТРК, «Ўзбекистон футболи» ва «Наврўз»FM жамоалари чорак финал йўлланмасини қўлга киритишди. Қолган тўрт йўлланма эгаси номи бугун маълум бўлади.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Комилликка ундовчи мактублар

БУ КИТОБНИ ЎҚИНГ

"Янги аср авлоди" нашриёти томонидан Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб Шайх Муҳиддинхон ибн эшони Валихон Ургутийнинг "Мактубот" деб номланган китоби чоп этилди. Муаллифнинг тасаввуф илми билимдони, пири комиллардан эканлиги кўпчиликка маълум. У киши Самарқандда нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси бўлганлар.

Василий Самарқандий "Назм ус-силсила" асарида Муҳиддинхонни сўфийлик истеъдоди етук, нафаси ғоят ўткир, илоҳий маърифатга молик инсон сифатида тилга олади ва у киши билан мадрасада бирга таҳсил олганини фахрланиб гапиради.

Муҳиддинхон ўтган асрнинг 20-йилларида шўролар ҳукумати томонидан қаттиқ таъқибга учрагани боис хорижга кетишга мажбур бўлади. Аввал Афғонистон, сўнгра Арабистонда яшаган ва ўша ерда вафот этган. У киши тасаввуф масалалари, хусусан, нақшбандия тариқатининг моҳияти, сўфийлик одоби, тариқат ва шариат талаблари орасидаги муносабатлар ҳақида муридлари ҳамда маънавий биродарларига мактуб ёзганлар. Ушбу мактублар насиҳат, қисман эса танбеҳ оҳангида битилган.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори Муслиҳиддин Муҳиддинов томонидан нашрга тайёрланган ушбу асар одоб-ахлоққа доир жиҳатлари билан аҳамиятга моликдир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Карор ва ижро

Табиатда фасллар алмашинуви. Ёзнинг иссиқ дамлари ортда қолиб, кузнинг намхуш ҳавоси ҳам ғанимат бўлиб бормоқда. Демак, изғиринли кунларга оз қолди.

Халқимизда "Қиш ғамини ёзда е" деган доно нақл бор. Ҳақ гап. Кимки бу нақлга амал қилса, билингки, қишда совуқдан дийдирамайди. Акс ҳолда...

Катта шаҳарнинг ташвиши ўзига яраша бўлади. Шундай экан, азим Тошкентда кўпчиликни ташвишлантираётган қишли-қировли кунларга тайёргарлик қай даражада? Одамларда "Ишқилиб, эрта-индин, айни изғирин забтига олганда, мутасадди идора ходимларининг "Қувур ёрилди", "Қозон тешилди" деган важ-карсонларини эшитиб, уйнинг ичида ҳам пальтою телпак кийиб юрмасак бўлгани" каби ўй-хавотир йўқми?

СИНОВИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Шу маънода, Президентимизнинг 2006 йил 20 апрелдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2006-2007 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш баробарида аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат кўрсатиш даражаси янада яхшиланмоқда. Буни Тошкент шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарорида келиб чиқувчи дастур ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда, — деди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси бош директори Б. Раҳмонов. — Хусусан, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Мисол учун, ҳозирга қадар 312 та қозон, 420 та қозонхона, 474 километрлик иссиқлик, 409 километр узунликдаги табиий газ, 710 километрлик ичимлик суви тармоқлари, шунингдек, 62 та мактаб, 494 та болалар боғчаси, 47 та шифо маскани капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, 36,6 километрлик иссиқлик тармоғи изоляция қилиниб, 8441 та уйнинг иссиқлик тармоғи юқори босим остида ювилиб, тозаланди. 1590 та газ тарқатиш тармоғи эса техник-профилактик кўрикдан ўтказилди.

Мамлакатимизда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда асосан, табиий газдан фойдаланилади. Қиш фаслида газ таъминотида узилишлар бўлиши хавфи мавжуд бўлмаса-да, ҳар эҳтимолга қарши иссиқлик ишлаб чиқариш корхоналарида бошқа турдаги ёқилғи захиралари ҳам етарли даражада ҳозирлаб қўйилди.

Хабарингиз бор, кўп қаватли уйлардаги аҳолига сифатли коммунал хизматлари кўрсатиш мақсадида 1991 йилгача қурилган уйларнинг муҳандислик-коммуникация иншоотларини мукаммал таъмирлаш бўйича ҳукуматимизнинг тегишли қарори қабул қилинган. Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳам дастур ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда биргина жорий йилда 791 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик-коммуникация иншоотлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бу мақсадларга 8325 миллион сўм маблағ сарфланди. Таъмирдан чиқарилган уйларнинг 554 таси бюджет ва бошқа марказлашган маблағлар эвазига, қолгани эса аҳоли ва бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилди.

Яна бир гап. Кўпчиликни куз ва қиш пайтларидаги муттасил ёғингарчилик туфайли томдан чакка ўтиш муаммоси хавотирга солади. Тўғри-да, томдан тинимсиз сув чаккиллаб турса, уйда ёмғирпўш тутиб ўтирмайсан-ку, ахир.

Айтиш жоизки, мутасаддилар томонидан ана шундай 137 та кўп қаватли уйнинг 155,1 минг метр кв. ҳажмдаги томи мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 2 минг квадрат метрлик йўлак деразаларига ойна солинди. 7204 та йўлакка темир эшик ўрнатилди ҳамда 12142 та йўлак ёритгичлари созланиб, жорий таъмирдан чиқарилди. Ўз навбатида, рухсатсиз ва ноқонуний қурилган 5158 та қурилма бузиб ташланди.

— Шаҳардаги "Баҳористон" маҳалласида 3000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Тофуқ коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати ходими Гулсина Шарипова. — Ундаги 1108 та хонадонга "1-Баҳор", "1-Гулистон" ва "Тофуқ коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. Улар томонидан кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди, жумладан, барча кўп қаватли уйларнинг томлари, кириш йўлаклари ва бошқа таъмирталаб жойлари сифатли қилиб қўлдан чиқарилди. Бу, ўз навбатида, аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятлар сонининг кескин камайишига олиб келди.

Мабодо бирор-бир тасодифий ҳолат содир бўлгудек бўлса, ушбу уй-жой мулкдорлари ширкатларининг техник ходимлари томонидан уни бартараф этиш чоралари ҳам кўриб қўйилган.

— Уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизматидан мамнунмиз, — дейди "1-Гулистон" даҳасида истиқомат қилувчи Баҳодир Ибрагимов. — Барака топишсин. Улар бизнинг совуқдан азият чекишимизга ўрин қолдиришмади. Электр ва иссиқлик тармоқлари бир маромда ишлаяпти. Айниқса, хайрли ишлар қаторида фарзандларимиз учун спорт майдончаси қуриб берилгани айни муддао бўлди.

Маълумот учун айтиш мумкинки, шаҳар хўжалигининг 2006-2007 йилларда қузги-қишки мавсумда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолига сифатли коммунал хизматлари кўрсатиш ҳамда уй-жойлардан фойдаланиш бўйича келиб чиққан муаммоларни тезкор равишда ҳал этиш мақсадида марказий навбатчилик хизмати ҳам ташкил этилди. Яъни, муаммолар ва бошқа масалалар бўйича 0-55 рақамли телефонга мурожаат қилинса, бас. Тезкор хизмат кўрсатиш гуруҳи томонидан уларни тезда бартараф этиш чоралари кўрилади.

Маълумки, жорий йил 20 октябрь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 ойи мобайнида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган мажлисида ҳам иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг куз-қиш даврида барқарор ишлаши учун зарур чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Тошкент шаҳри ҳокимлигига жорий йилнинг ноябрь ойи бошигача ушбу соҳадаги барча ишларни, шу жумладан, қаттиқ ва суюқ ёқилғи тайёрлаш, буғ қозонларининг асосий технологик асбоб-ускуналарини, уй-жой фонди, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими объектларининг иссиқлик, газ ва сув қувурлари тармоқларини мукаммал ҳамда жорий таъмирлашни тугаллаш, шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мутасадди ташкилотлар ана шу нуқсонларга барҳам берсалар, айни чоғда истеъмолчилар ҳам иссиқлик ва табиий газ манбаларидан фойдаланишда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймасалар, ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўларди. Шу билан бирга, фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш эса тизимнинг барқарор ишлашининг асосий омилларидан бири эканлигини унутмаслик лозим.

Саидолим ХАЙДАРОВ, Баҳодир ФАЙЗИЕВ, "Халқ сўзи" мухбирлари.

«NG SERVICE» МЧЖ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компаниялари сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.
Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.
Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.
Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz
NURON
hp Invent, APC, FUJITSU SIEMENS, LG, Canon, EPSON, XEROX, MASTER GUARD
ХИЗМАТЛАРИНГИЗ АРЗИМАЙДИ

Российский линолеум
Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА
ГАЗ-3307 Автоэвакуатор
ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси тиббий педагогика ва стоматология факультетлари Одам анатомияси ва ОЖТА кафедраси мудири, Ўзбекистон Морфологлари жамиятининг раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Файзулла Бахадировга ўғли
Алишер БАХАДИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгазлойиҳа» Ўзбекистон Давлат газлаштириш лойиҳа қидирув институти жамоаси институт собиқ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис
Обидхўжа ОРТИҚХЎЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси ихтисослашган кенгаш аъзоси, техника фанлари доктори, профессор
Раҳматулла КАРИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ҳамкасбларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Менежмент ва касбий таълим факультети талабаси
Нодира ШУКУРОВанинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 3456